

7-10-2019

TARGETED AND EFFECTIVE USE OF WATER IN AGRICULTURE

Abdumalik Sotivoldiyevich Baratov
Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Baratov, Abdumalik Sotivoldiyevich (2019) "TARGETED AND EFFECTIVE USE OF WATER IN AGRICULTURE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 48.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/48>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

TARGETED AND EFFECTIVE USE OF WATER IN AGRICULTURE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ҲОИДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

г.ф.н. Баратов Абдумалик Сотиволдиевич

Аннотация. Мақолада Наманган вилояти қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан таъминлаш ва ундан ҳоидаланиш самарадорлиги тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, сувдан ҳоидаланиш, сувни тежовчи технологиялар, сув ресурсларидан ҳоидаланиш самарадорлиги.

ВОПРОСЫ РАЦИОНАЛЬНОГО И ЦЕЛЕВЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

к.г.н. Баратов Абдумалик Сотиволдиевич

Аннотация: В данной статье исследуются особенности обеспечения и эффективность управления водными ресурсами сельского хозяйства Наманганской области. Наряду с этим, в статье обоснована необходимость внедрения водосберегающих технологий.

Ключевые слова: сельское хозяйство, водные ресурсы, водопользование, водосберегающие технологии и эффективное использование водных ресурсов.

TARGETED AND EFFECTIVE USE OF WATER IN AGRICULTURE

c.g.s. Baratov Abdumalik Sotivoldiyevich

Abstract: This article explores the features of ensuring and the effectiveness of water management in agriculture in the Namangan region. Along with this, the article substantiates the need to introduce water-saving technologies.

Key words: agriculture, water resources, water use, water-saving technologies and efficient use of water resources.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан ҳоидаланишни бошқаришдан кўзланган асосий мақсад - сувдан мақсадли, самарали ва оқилона ҳоидаланиш, сув исрофгарчилигига барҳам бериш, суғориладиган ерларда сув таъминотини яхшилаш, ирригация ва мелиорация тизимларини самарали фаолиятини ташкил этишдан иборат. Чунки, қишлоқ хўжалиги республикамизда иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикада жами истеъмол қилинадиган сувнинг 91 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Ушбу соҳанинг ривожини беvosита қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қуриш, таъмирлаш, ишчи ҳолатини сақлаш ва экинлар

хосилдорлигини ошириш сув ресурслари таъминоти билан боғлиқ бўлиб қолмоқда[1].

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Айниқса, баҳор келиши билан доимий тоғ музликларининг эрта эриши, дарё ва сойлардаги сувнинг қисқа муддатда оқиб ўтиши натижасида ерларни суғориш зарур белган вақтда сув тақчиллиги кузатилмоқда. Айни суғориш мавсумида сув танқислиги асосий экинлар, пахта ва ғаллани қондириб суғоришда кузатилмоқда. Бу ўринда қайд этиш жоизки, қишлоқ хўжалигида суғориладиган ер майдонларини асосини пахта ва ғалла экинлари ташкил қилиб, қарийб 60 % сув ушбу экинларни суғориш учун сарфланади[2].

Бундан ташқари, Наманган вилояти худудлари бўйича суғориш усуллариининг табақаланмаганлиги (текислик, адир, тоғ олди худудларда бир хилдаги агатлаб суғориш) ҳамда кўплаб худудларда суғориш иншоотларининг эскирганлиги сувдан фойдаланиш коэффицентини паслиги мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этмоқда.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимининг асосий муаммоларидан яна бири мавжуд сув ресурсларининг истиқболдаги эҳтиёжлар ортиб бораётганлиги билан белгиланади. Эҳтиёж қанчалик ортиб борган сари бунга мос равишда харажатлар ҳам ортиб боради. Масалан, Наманган вилоятига 1 м^3 сув ва 1 гектар ер майдонига тўғри келадиган харажатлар ҳам юқори бўлиб, уларнинг қиймати 80,0- 85,5 сўм/ м^3 ва 950-1000 сўм/гектарга харажатлар қилинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2018 йилда 2009 йилга нисбатан 1 центнер пахта хомашёни олиш учун сарфланган сув миқдори 104,6 фоизга ошган бўлса, 1 центнер ғалла олиш учун бу кўрсаткич 101,5 фоизни ошган. Шу даврда сувга сарфланган харажатлари эса 1 центнер пахта учун 2,4 мартага, 1 центнер ғалла учун 2,3 мартага ортган.

Вилоятида бундай муоммоларни вужудга келиши мелиоратив ҳолати ёмон ерлар, шўрланган ерларнинг кўпайиб кетиши, ушбу ерларнинг шўрини ювиш учун кўп сув ва харажатлар сарф қилинганлиги сабабли юзага келмоқда.

Бундай муоммоларни олдини олиш учун асосан сув ресурсларидан самарали фойдаланишни доимий таҳлил қилиб бориш, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга[3].

Шундай чора-тадбирлардан бири вилоятида томчилатиб суғоришни пахта майдонларида жорий этилиши билан бошланди. Бу суғориш усуллари вилоят туманларида 2013 йилдан бошлаб шақилланди ва 420 гектар ерларда томчилатиб суғориш жорий этилган бўлса, бундан Косонсой туманида 55 гектар, Уйчи туманида 60 гектар пахта майдонлари томчилатиб суғорилди. 2013-2018 йиллар давомида томчилатиб суғориш технологияларни жорий этиш ишлари 4687 гектар майдонларда ташкилланди. Шу йиллар мобайнида, кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш 12785 гектар майдонларда, полиэтилен плёнка тўшаб суғориш 5422 гектар

майдонларда олиб борилди. Вилоятда 2019-2023 йилларда пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича истиқболли режа тузилган бўлиб, бунга кўра вилоятнинг Косонсой туманида 3305 гек., Наманган туманида 5524 гек., Норин туманида 6138 гек., Тўрақўрғон туманида 4269 гек., Уйчи туманида 5935 гек., Учқўрғон туманида 9836 гек., Чуст туманида 3374 гек., Чортоқ туманида 717 гектарни ташкил этади. Вилоят бўйича жами 39098 гектар унимдор ерлар тамчилатиб суғориш учун режалаштирилди[4].

Бугунги кунда вилоятда ҳам сувни энг кўп истемол қиладиган қишлоқ хўжалик экинлари пахта, ғалла ва боғдорчиликда режалаштирилган бўлиб, айнан шу қишлоқ хўжалик экин турларини суғоришда илғор технологияларидан томчилатиб, полиэтилен плёнка тўшаб ва кўчма эгилувчан қувурлар билан суғориш каби усулларга таяниш хаётий заруриятга айланди. Агар, вилоятда томчилатиб суғориладиган майдонлар кенгайиб бориладиган бўлса унда қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин. Масалан, 1 гектарга ҳозирги 13700 м³сув ўрнига 3650 м³ сув берилади ва гектарига 10000 м³ сув тежаб қолинади. Пахта, ғалла ва боғдорчилик экин турлари вилоятда жами 187700 гектарни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, 2.0 - 2.5 млрд.м³ сув ўрнига 685-690 млн м³сув ёки йилига 3.0-3.5 маротаба кам сув сарфланади. Демак, пахта, ғалла ва боғдорчилик экин турларда суғоришнинг илғор усулларига ўтиш орқали вилоят қишлоқ хўжалигида сув танқислигини олди олинади.

Вилоят қишлоқ хўжалигида сув танқислигини олдини олиш, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишда бундай технологиялардан фойдаланиш катта маблаҳлар эвазига амалга оширилади. Шу боис ирригация тизимларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур. Уни амалга ошириш учун маҳаллий, хорижий инвестицияларни, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармалари маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқ. Сувни тежовчи технологияларни жорий этиш сувдан самарали фойдаланишга йўналтирилган стратегик мақсаднинг бош омили бўлиб, қишлоқ хўжалигида кам харажатлар эвазига пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиш учун замин яратади.

References:

1. Matkarimov M.M. Suv tejovchi va muhofaza qiluvchi texnologiyalarni qo'llash jarayonlarini boshqarish. Avtoref. Dis. iqt.fan.nomz.- Samarqand: 2006.-9 b.
2. Tashmatov X.T., Kushaev T.K., Ismaylova S.S. Suv xo'jaligida innovatsiya menejmenti. – T.: 2011. -17-21 b.
3. Sultonov A.S., Xudayberganov Z.D., Qo'chqorova S.A. Suv xo'jaligi iqtisodiyoti. – T.: 2010. -24 b
4. www.agqo.uz – O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi rasmiy sayti.
5. www.stat.uz - O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti.